

К.Б. Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д,
Х.Ў. Пўлатов– СамИСИ магистранти

УЛГУРЖИ САВДО КОРХОНАЛАРИДА АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Республикамиз Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 4947-сон фармони билан «**2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси**» тасдиқланди. Жаҳон ҳамжамиятлари томонидан “жадал ривожлантиришга қаратилган янгича миллий модел” сифатида эътироф этилаётган ушбу давлат дастури ижросини таъминлашда савдо тармоғи ҳам муҳим ўрин тутди. Айнан ушбу тармоқ саноат ва ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида яратилаётган товар-моддий бойликларни уларнинг истеъмолчиларига етказиб беришда асосий ролни ўйнайди. Савдосиз жамиятда “ишлаб чиқариш-муомала-истеъмол” занжири узвийлигини, товар-пул муносабларини изчил ва жадал ривожлантириб бўлмайди. Айнан шундай боғлиқлик кишилиқ жамиятида савдо соҳасини, унга кирувчи барча бўғинларни, чунончи товарларни катта партияларда сотишга ихтисослашган улгуржи савдо субъектлари фаолиятини жадал ривожлантиришни устувор вазифалардан бири этиб қўяди. Ушбу устувор вазифани бажариш мазкур соҳа субъектларида бошқарув механизмларини, чунончи бухгалтерия ҳисобини замон зайлига мос равишда ташкил қилиш, уни изчил равишда такомиллаштириб боришни тақоза этади. Ушбу ва бошқа заруратлар улгуржи савдо корхоналарида аудит масалаларини ҳам чуқур тадқиқ этишни объектив зарурат қилиб қўяди.

Улгуржи савдо корхоналари ва улар томонидан олиб борилаётган савдо фаолияти турлари аудитнинг мос равишдаги субъектлари ва объектлари сифатида бир қатор хусусиятларга эга. Чунончи, аудиторлик текширувларида алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган бундай хусусиятларнинг асосийлари сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин.

Биринчидан, савдо фаолиятининг барча турларини, чунончи улгуржи савдони амалга ошириш шартлари ва тартиби республикамизда давлат томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар билан қатъий тартибга солинади¹. Ушбу шартлар ва тартибларга амал қилинганликка холис баҳо бериш аудиторлик текширувлари олдида турган муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Иккинчидан, улгуржи савдо қатъий лицензиялаштирилаётган фаолият турига кирилади. Бунда лицензиялашнинг асосий талаблари сирасига улгуржи савдо корхоналари устав капитали миқдори улар учун белгилаб қўйилган минимал миқдордан (энг кам иш ҳақининг камида 3500 бараварини, шундан

¹ «Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида Низом»; «Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қондалари»; «Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотлари (хизматлари)ни ишлаб чиқариш ва сотиш қондалари».

энг кам иш ҳақ ининг камида 1200 бараваридаги миқдори пул маблағлари билан) кам бўлмаслиги, катта ҳажмдаги ва тегишли равишда жиҳозланган омборхона биноларининг мавжудлиги кабилар киради. Улгуржи савдо корхоналари аудиторлик текширувларида уларга қўйилаётган ушбу лицензия талабларига амал қилинганликка ҳам биринчи галда баҳо берилиши лозимдир.


Учинчидан, мулкый шаклига кўра савдо корхоналари, чунончи улгуржи савдо корхоналари давлат, хусусий ва аралаш мулкдаги корхоналарга бўлинади. Улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланувчи давлат корхоналари бўлиб савдо вазирлиги тизимига кирувчи улгуржи савдо базалари, аралаш мулкдаги корхоналарга эса акциядорлик жамиятлари, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар, маъсулияти чекланган жамиятлар ва бошқа корхоналар киради. Хусусий мулк шаклидаги улгуржи савдо корхоналари бўлиб таъсисчиси якка жисмоний шахс бўлган улгуржи савдо корхоналари ҳамда таъсисчилари таркибида давлат корхоналари улуши бўлмаган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва маъсулияти чекланган жамиятлар ҳисобланади. Республикамининг аудиторлик фаолияти тўғрисида қонуннинг 10-моддасига мувофиқ устав капиталида давлат улуши мавжуд бўлган барча мақомдаги улгуржи савдо корхоналари мажбурий аудиторлик текширув субъектлари, қонуннинг 11-моддасига мувофиқ устав капиталида давлат улуши мавжуд бўлмаган барча мақомдаги улгуржи савдо корхоналари эса ташаббусли аудиторлик текширув субъектлари сирасига киради. Аудиторлар текширув олдида текширилаётган улгуржи савдо корхонасининг мажбурий ёки ташаббусли аудиторлик текшируви субъектига тегишлилигини билишлари муҳим аҳамият касб этади. Чунки, мажбурий аудиторлик текширув субъектлари олдинги ҳисобот даври учун тузилган молиявий ҳисоботлари аудиторлик текширувларини кейинги йилнинг 1 майгача ўтказишлари ва 15 майгача аудиторлик ҳулосасини давлат солиқ инспекциясига топширишлари лозим.

Тўртинчидан, улгуржи савдо корхоналарида чакана савдо ва умумий овқатлантириш корхоналаридан фарқли ўлароқ товарларнинг барча кирим ва чиқим операциялари қатъий ҳужжатлаштирилади. Чунончи, товарлар киримига оид асосий ҳужжатлар бўлиб таъминотчилар томонидан тақдим этилган счёт-фактуралар, товарлар чиқимига оид асосий ҳужжат бўлиб эса улгуржи савдо корхоналарининг ўзлари томонидан тузилган счёт-фактуралар ҳисобланади. Товарлар кирими ва чиқимини қатъий счёт- фактуралар билан расмийлаштирилиши улгуржи савдо корхоналарида улар ҳисобини узлуксиз тизимини қўллашга имкон беради. Мазкур тизимда, маълумки, барча товарлар кирими ва чиқимига оид маълумотлар счёт- фактуралар асосида 2910 “Омбордаги товарлар” счётининг дебети ва кредитига ёзиб борилади. Ушбу хусусият улгуржи савдо корхоналарида 2910 “Омбордаги товарлар” счётининг дебети ва кредитида акс эттирилган ҳар бир ёзувни тегишли ҳужжатларга мос келишлигини обдон текширишни зарурат қилиб қўяди.

Бешинчидан, улгуржи савдо корхоналарига харидорларни айнан керакли ассортиментдаги ва миқдордаги товарлар билан таъминлашдек

масъул вазифа уларда товарларнинг нафақат умумий пул бирлигидаги синтетик ҳисобини, балки уларнинг турли батафсилликдаги аналитик ҳисобини ҳам юритишни тақоза этади.

Улгуржи савдо корхоналарида товарларнинг аналитик ҳисобини куйидаги учта даражали иерархик тизим бўйича замонавий компьютерларда юритиш юқори самара беради (1-расмга қаранг):



1-расм. Улгуржи савдо корхоналарида товарлар ҳисобининг юритишнинг уч даражали иерархик тизими

Товарлар ҳисобининг юқорида келтирилган иерархик тизими товар операциялари аудити олдига куйидаги вазифаларни кўяди:

*товарлар қолдиғини моддий жавобгар шахслар ҳисоботлари, ҳисоб ва бухгалтерия балансида тўғри акс эттирилганлигини текшириш;

*товарлар кирим қиймати (таннархи)ини тўғри шакллантирилганлиги, улар бўйича товарлар киримини тегишли бошланғич ҳужжатларда, моддий жавобгар шахслар ҳисоботларида, шунингдек ҳисоб ва ҳисоботда тўғри акс эттирилганлигини текшириш;

* товарлар чиқимини улар кирим қиймати (таннархи) бўйича ҳисобдан чиқарилганлигини, моддий жавобгар шахслар ҳисоботларида, шунингдек ҳисоб ва ҳисоботда тўғри акс эттирилганлигини текшириш;

*товарларни сотишдан олинган даромадларни, шунингдек сотиш таннархини ҳисоб ва ҳисоботда тўғри акс эттирилганлигини текшириш;

*товарларнинг турли бошқа чиқимларини тегишли ҳужжатлар билан ўз вақтида ва тўғри расмийлаштирилганлиги, шунингдек уларни ҳисоб ва ҳисоботда тўғри акс эттирилганлигини текшириш;

*товарлар инвентаризациясини белгиланган муддатларни ўтказилганлиги, унинг натижаларини тўғри ҳужжатлаштирилганлиги, уларни ҳисоб ва ҳисоботда тўғри акс эттирилганлигини текшириш;

*товар операциялари бўйича таъминотчилар ва харидорлар билан ҳисоб-китобларнинг тўғри амалга оширилганлиги, шунингдек уларни ҳисоб ва ҳисоботда тўғри акс эттирилганлигини текшириш;

Фикримизча, улгуржи савдо корхоналарида аудит олдида турган юқорида санаб берилган вазифалар унинг режасида ҳамда дастурида ўз аксини топиши лозим. Ушбу дастаклар асосида ўтказилган аудиторлик текширувлари, бизнингча, улгуржи савдо корхоналари фаолиятига реал баҳо беришга имкон беради.